Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

# Ишонч

44

1992 йил 2—8 ноябрь (83)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

АТОҚЛИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ, ЁЗУВЧИ ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ



## АЖАБ САОДАТ ЭРУР, ЧИҚСА ЯХШИЛИК БИРЛА ОТ





● *АТОҚЛИ ДАВЛАТ ва жамоат арбоби, ардоқли адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги 5 ноябрь куни азим Тошкентда, 6 ноябрь куни эса у туғилиб ўсган Жиззахда кенг нишонланади. Ўша куни Жиззах шаҳрида ва Ш. Рашидов номли хўжаликда унинг ҳайкаллари очилади. Вилоят театрининг биносида юбилейга бағишланган тантанали йиғилиш бўлади.*

● *ШАРОФ РАШИДОВ таваллуд топган кун арафасида Тошкентда унинг ҳайкали тантанали суратда очилади. Ҳайкал Ш. Рашидов биринчи марта дафн этилган жойда —«Правда» газетаси кўчаси ва Шароф Рашидов шоҳ кўчаси чорраҳасидаги кўркам майдончада қад ростлайди. Ҳозирда обида тикланадиган жойнинг теварак-атрофини ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етган.*

*Ҳайкални машҳур ҳайкалтарош Яков Шапиро яратди. У Шароф Рашидов ҳаётлиги пайтида республика раҳбари билан кўп марта мулоқотда бўлган, тавсияси бўйича қатор тош асарлар яратган эди. Шу боисдан Шароф Рашидов ҳайкалини яратишдек масъулиятли вазифани у ҳеч иккиланмай ўз зиммасига олди. Ҳайкалтарош атоқли давлат арбоби ва таниқли адибни китобга нигоҳ ташлаб турган нуроний инсон қиёфасида тасвирлади.*

*Ҳайкал шоҳсупаси Украинадан келтирилган қизғиш мармардан тикланди. Унинг баландлиги икки метрдан ошади. Шоҳсупа устига Шароф Рашидовнинг салобатли ҳайкали ўрнатилади.*

**(Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган материалларни газетамизнинг 8—9-саҳифаларида ўқийсиз).**

## ЙИГИТ СЎЗИ— СЎЗ

Анвар илгари бригадага етакчи эди, босиқ, вазмин йигит. Деҳқончиликнинг сир-синоатини яхши билади. Бозор иқтисоди қийин кечаяпти. Шунга қарамай, янгидан учта терим машинасини сотиб олишди. Қисмлари тарқатиб юборилган 9 та агрегат бутунлай қайта тикланди. Эндиликда ҳаво юришиб турса бўлгани. Хўжаликда ишчи кучи кам: 99 фоиз ҳосил машиналарда терилади.

— Бу йил пахтакорга роса қийин бўлаяпти,— дейди Зарбдор районидаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Анвар Маматқулов. — Чигитни икки қайта экдик, ёз салқин келди, куз яна инжиқлик қилаяпти. Баъзан деҳқоннинг бардошига қойил қоламан. Қийинчиликларга кўникиб қолган. Ташқаридан кулиб турамизу ичдан йиғлаймиз. Ахир, бор ҳосил далада. Нонимиз ҳам, устимиздаги кийим ҳам, қозондаги ёғ ҳам пахтадан.

Унга далда бермоқчи бўлдик...

— Кўпга келган тўй дейсизлар, шуниси ёмон-да. Яхшиликни кўпга улашган маъқул. Аммо ташвишни элга раво кўрмаслик керак. Ташвишни эр йигитлар, норлар кўтарса ярашади.

Мағзи тўқ гаплар.

Терим комбайнлари уч гуруҳга бўлинган: уч-тўрттадан. Кичик гуруҳларни назорат қилиш, техник хизмат кўрсатиш ҳам ўнғай. Қўқон Халилов, Баҳодир Убайдуллаев, Норйигит Бобоев бошлиқ звеноларда терим жадал бораяпти. Улар кунига йиллик режанинг 4—5 фоизи миқдорида пахта тайёрлашаётир. Йиллик режа уддаланиш арафасида.

— Ёғингарчилик навни пасайтирди, ҳосилга қисман зарар етказди, — дейди звено бошлиғи Норйигит Бобоев. — Булар деҳқоннинг чўнтагига тушадиган қўшимча даромад эди.

Аммо механизаторлар Орол Тошев, Мурод Жўраев, Қамбар Нишонов, Раҳмат Санақуловларнинг руҳи баланд. Улар ишга чанқоқ, қадамидан ўт чақнайди. Ҳар бири кунига 10 тоннагача пахта тўкмоқда. Уларнинг интилишлари, мақсад-ўйлари битта — ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш.

**Саидмурод НОРБОЕВ,**
**Алибой ЭРГАШЕВ,**
**Жиззах вилояти.**

### Хабарлар мағзи

● БУЮК Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Брайн Фолл мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси Туркия Республика деб эълон қилинган куннинг 69 йиллиги муносабати билан Анқарада ўтказилган байрам тантаналарида қатнашди.

● ГОЛЛАНДИЯНИНГ «Аес» фирмаси президенти К. Аальберсни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов қабул қилди.

● РЕСПУБЛИКАМИЗДА Малайзиянинг кино, маданият ва оммавий ахборот воситалари ходимлари делегацияси меҳмон бўлди. Тошкентда Малайзия киноҳафталиги ўтказилди.

● БУГУН республикамизда ёш ватандошларнинг Халқаро анжумани очилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси республика ёшларига Мурожаат қабул қилди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори билан Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларидаги баъзи бир район ва шаҳар посёлкаларининг номлари ўзгартирилди. Қашқадарё вилоятидаги Ульянов районининг ҳам номи Касби деб ўзгартирилди. Унинг маъмурий маркази — Ульяновск аҳоли пунктининг Муғлон деган тарихий номи тикланди.

## ТАКЛИФЛАР УМУМЛАШТИРИЛМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Конституциясининг лойиҳаси касаба уюшмаси ташкилотларида қизғин муҳокама қилинмоқда. Андижон, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида кимёгарлар, геологлар, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмиталарида бўлиб ўтган йиғилишларда лойиҳани янада такомиллаштиришга қаратилган 300 дан ортиқ таклифлар тушди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида тузилган ишчи комиссияси уларни умумлаштириб Республика Олий кенгашига тақдим этмоқда.

Лойиҳа муҳокамасига бағишланган йиғилишлар давом этаяпти. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда барча тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмиталари, вилоят касаба уюшмаси кенгашлари раҳбарлари, фаоллар иштирок этдилар. Улар Конституция лойиҳасининг ҳар бандини бирма-бир муҳокама этиб чиқдилар. Билдирилган аниқ таклифлар ишчи комиссияси томонидан умумлаштирилмоқда. Йиғилишни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов олиб борди.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи муовини Т. Х. Собитов, кенгаш раиси ўринбосарлари О. Қ. Адаманов, М. М. Тўлаганова ўртоқлар иштирок этдилар.

# Соғлигинг - Бойлигинг

ЯШИРИБ қаёққа ҳам бордик. Республикамиз аҳолиси ўртасида афсуски, сил касалликлари билан оғриган беморлар бор. Улар албатта махсус шифохоналарда даволанаяптилар, ҳамиша табобат назоратида бўладилар, жуда кўпчилиги соғайиб, меҳнат фаолиятини давом эттиради.

Шуни айтиш керакки, булар ҳам оилалик, бола-чақалик. Масала — буларнинг фарзандларини соғу саломат вояга етказиш, улар ҳали касалликка чалинмасларидан аввал олдини олишдан ёки бутунлай касалликнинг бошланғич белгилари кўриниши билан даволаб буткул соғайтиришдан иборат. Шу мақсадда республикамизнинг ҳар бир вилоятида биттадан махсус мактаб-интернат ташкил этилган. Фарғона вилоятининг Қува районидаги Алишер Навоий номли 84-махсус мактаб-интернат мудири, ёш, забардаст муаллим Турдиали УММАТҚУЛОВ билан бўлган суҳбатимиз ана шу болажонларнинг саломатлигини яхшилаш ҳақида.



## БОЛАНИНГ ИЛИГИ ТЎҚ БЎЛСИН

С. МАҲМУДОВА:— Дарвозадан кириб озодаликни, саранжом-сариштаtotal ликни кўрдим. Хув нарёқда мевали боғ кўзга ташланди. Синфхоналардаги яхши имкониятлар билан танишдим. Бир қарашда шифохонага ҳам, мактабга ҳам, кичик корхонага ҳам ўхшайди.

Т. УММАТҚУЛОВ:— «ИШОНЧ» газетаси номидан йўқлаб келганингиз учун раҳмат. Бизга деярли мухбирлар келган эмасди. Биз «ИШОНЧ»ни оламиз. Менга маъқул бу газета.

С. МАҲМУДОВА:— Демак, «Ишонч»га яна обуна бўларкансизлар-да?

Т. УММАТҚУЛОВ:— Албатта. Энди мактаб-интернатимизга келсак, шу йил баҳорда ўттиз йиллигини нишонладик. Иқтисодий танглик вақтида юбилейга нима бор, дерсиз. Сарфу харажат асосан ўзимизнинг ёрдамчи хўжаликдан чиқди. Вилоят халқ маорифи бўлими мутасаддилари ёрдам беришди. Қарангки, бизнинг тўйга 70-80 минг сўмлик совға келди. Масалан, вилоят халқ маорифи бўлимидан видеомагнитафон, Қува ҳокимлигидан рангли телевизор совға қилинди. Вилоят касаба уюшмасидан ўқитувчиларимиз учун санаторийга иккита бепул йўлланма берилди. Беш киши халқ маорифи аълочиси унвони билан тақдирланди ва ҳоказо.

Энди... ҳали сиз тўғри сезибсиз, елкамизда доим учта масъулият туради. Биринчидан, болаларнинг саломатлигига жавобгарлик. Албатта, 24 соат давомида дўхтирлару ҳамширалар огоҳ туриб, муолижа қилишади. Иккинчидан, таълим-тарбия. Учинчидан, болаларга ҳунар ўргатиш.

Гапнинг рости, 1983 йил мен бу ерга келганимда аҳвол оғир эди. Район халқ маорифи бўлимида ишлардим, шу ерга ишга юборишди. Ўшанда мана ҳисобчимиз Тоир ака Жамолов гувоҳ, маориф бўлимидан беш минг сўм қарз олиб, қўй-сигир харид қилдик. Ўқитувчилар ўзимиз ишдан кейин далада ўт ўриб келардик. Ҳозир пулимиз кўпайиб қолган. Чорвадор ва боғбонимиз бор. Кейин ер олиб, боғ яратдик. Қолаверса, болалар янги соғилган сут ичса, тез-тез музланмаган янги қўй гўшти истеъмол қилса илиги тўқ бўлади-да. Ҳозир махсус ҳисоб варақамизда 50 минг сўм жамғармамиз бор.

С. МАҲМУДОВА:— Демак, ҳадеса давлатдан инъом-эҳсон кутиб ўтирмай, ўзларингиз ҳам ҳаракат қиласиз. Мактаб-интернатни асосан қайси ташкилот маблағ билан таъминлайди?

Т. УММАТҚУЛОВ:— Вилоят халқ маорифи бўлими мисоли ота-онамиз. Болаларнинг кийим-кечаги, ош-овқати, ўқитиш, даволаш, маош... дегандай, ҳаммасини таъминлайди. Лекин биз ҳам қараб турмаймиз. Қишга ўз боғимиздан олма-анор, картошка, сабзи-пиёз ғамлаб қўйдик. Соғин сигир ва 40 та қўйимиз бор. Гўштдан тахчиллик сезсак, қўй сўямиз. Қува адрларидан беш гектар ер олиб, кузги буғдой экдик. Дони нон бўлса, сомони чорвага ем бўлади.

С. МАҲМУДОВА:— Шунча ишни адо этишнинг ўзи бўлмас. Буғдойни йиғиб-териб олишга техника керак бўлгандир?

Т. УММАТҚУЛОВ:— Районимиздаги хўжаликларда Мусожон тоға Шербўтаевга ўхшаган, Тўланбой ака Каримов ва Рустам ака Хотамовга ўхшаган мард раислар, раҳбарлар бор. Қандай ёрдам сўраб борсак, йўқ дейишмайди.

С. МАҲМУДОВА:— Сезиб турибман, қилинаётган ишларнинг жобати фидойиликдан. Қаловини топган, қорни ёндиради. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида имконият излаш керак. Бунинг устига сизларда болаларга кучайтирилган тартибда овқат бериладиа?

Т. УММАТҚУЛОВ: — Нимасини айтасиз. Жамоамиз аъзолари болаларнинг эртанги кунини ўйлаб иш тутаяпти. Болалар дастурхони ҳеч қачон тахчил бўлиб қолмасин, деймиз. Бизда битта болага ҳар куни 350 гр. нон, 215 гр. гўшт, 100 гр. балиқ, 1 дона тухум, 55 гр. сарёғ, 200 гр. сут, 150 гр. мева, хуллас беш маҳал овқат берилади. Ҳаммаси ҳисоб-китобли ва қатъий. Гапнинг очиғи, ҳисобчимиз Тоирхон ака бирор тийинни беҳуда сарфламайди. Ўттиз йилдан бери шу ерда ишлайди. Ошпазимиз Абдувахоб ака Сатторов ҳам ҳалол одам. Қўли ширин. Кўпдан бери ишлайди.

С. МАҲМУДОВА:— Ўқитувчилар, дўхтирлар-чи? Нега уларни тилга олмаяпсиз?

Т. УММАТҚУЛОВ:— Мана энди мавриди келди. Ҳар бир ўқитувчи ўз синфхонасини ўқув кўргазмалари билан нечоғлик меҳр қўйиб безатганини кўрдингиз. Ҳатто, Қува мебель комбинатидан уста чақириб, махсус жовонлар ясаттирганмиз. Халқ таълими аълочиси Мўътабархон опа Қосимова 29 йилдан бери шу ерда ишлайдилар. Болаларга ўз фарзандларидек меҳрибон, ғамхўр. Роҳатой Саидазимова, Дилбар Машрабова, Фавзия опа Мазитова... Булар катта-ю кичикнинг меҳрини қозонган муаллимлар. Бош врачимиз Соня Сапсирина, даволовчи врач Матлуба Омонова, тиббиёт ходими Эрали Шералиев ҳам кеча-кундуз болалар хизматида. Бу ердаги шарт-шароит, дармонли озиқ-овқат туфайли, ҳар йили 50-60 фоиз бола тўла соғайиб, ўз мактабига қайтади.

С. МАҲМУДОВА:— Синфда, ҳовлида болаларнинг ўзини тута билишига, одобига, салом-алигига, ҳатто кийимларининг озодалигига эътибор бердим. Ҳавас қиладиган даражада. Бу ҳол доимийми ё «комиссия» келганидами?

Т. УММАТҚУЛОВ:—Тартиб-интизом доимо эътиборимизда. Бизнинг қўлимиздан болаларини қабул қилиб олган ота-оналар уларнинг тўлишиб, соғайиб кетганига бир бор хурсанд бўлишса, одобу ахлоқи бутунлай ижобий томонга ўзгарганидан, маълум бир ҳунар ўрганганидан икки бор хурсанд бўладилар. Болалар вақтида дам олишади, даволанишади. Саёҳатларга олиб чиқамиз. Устахона бор, тикувчилик цехи бор. Ҳаваскорлик тўгараги, телеқурилма. Уларнинг ўзлари телевизор эшиттиришларини олиб боришади. Мактаб-интернат мулкини эҳтиётлаб асрай билишга ўргатганмиз. Ҳар бир боланинг синфдаги ва ётоқхонадаги ўз жойи тайинланган. Жойни саришта ўқувчилар рағбатлантириб борилади.

Хуллас, биз болаларнинг ҳар томонлама эркин камол топиши, даволаниши, чуқур билим олиб, ўсиб-улғайиши учун барча чора-тадбирларни ишга солаяпмиз.

С. МАҲМУДОВА:— Эзгу ишларингизда ривож тилаймиз..



● ТОШКЕНТ шаҳар социал таъминот бошқармасига қарашли 2-болалар уйида иқтидорли тарбиячилар, қўли енгил врачлар 500 нафар болаларнинг сиҳат-саломатликларини муҳофаза қилмоқдалар.

Суратда: Бош врач Маҳфуза Ғофурова, тарбиячи Равшаной Раҳимбоева ҳамшира Ҳикоят Мирзаевалар билан суҳбатлашмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

## ИМКОНИЯТ ЕТАРЛИ-Ю...

ҲОЗИРГИ мураккаб шароитда меҳнаткашларнинг марказий курорт ва санаторийларга бориб келиши анча қийин бўлиб қолди. Шу боис маҳаллий дам олиш ва шифо масканларига бўлган талаб ошиб бормоқда.

— Ўтган йили 32 нафар, бу йилнинг биринчи ярмида 14 нафар жамоамиз аъзолари дам олишиб, даволанишди. Ўшаларнинг кўпчилиги Элликқалъа районидаги А. Навоий номли санаторийда бўлишди. Уларнинг ҳаммаси шифокорлар хизматидан мамнун. Қанийди, бизнинг районда ҳам шундай шифо маскани бўлса,— дейди Амударё районидаги «Ленинизм» жамоа хўжалиги касаба уюшмаси қўмитаси раиси Раҳим Эшимбетов.

Дарҳақиқат, мазкур райондаги бошқа колхоз-совхозлар, ташкилоту корхоналар меҳнаткашлари ўзларига яқинроқ жойлардаги шифо масканларига боришни хоҳлайди. Аммо, 130 минг аҳоли истиқомат қиладиган йирик Амударё районида санаторий-профилакторийлар йўқ. Тўрткўл районида битта, Беруний ва Элликқалъа районларида иккитадан санаторий-профилакторийлар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Элликқалъа ва Беруний районларида яна иккита ана шундай шифо маскани бунёд этилаяпти.

Хўш, Амударё районида бунинг имконияти йўқми?

— Ҳамма имкониятлар бор,— дейди биз билан суҳбатда район тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Башир Кенжаев.— Масалан, райондаги Қиличбой қишлоқ участка касалхонаси яқинида 500 метр чуқурликдан шифобахш сув отилиб чиқди. Семашко номли илмий-текшириш институтида бу сувдан анализ олиниб, фойдаланишга рухсат берилди. Шунгаям салкам етти йил бўлаяпти.

Масаланинг муҳим томони — санаторийни қуриш, зарур асбоб-ускуналар билан таъминлашни ҳеч қайси ташкилот ўз зиммасига олмаяпти. Биз Қорақалпоғистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига, район раҳбарларига бу борада кўп марта мурожаат қилиб, амалий ёрдам сўрадик. Пахта тозалаш заводи маъмуриятидан маблағ ажратишни илтимос қилдик. Сабаби, бу корхонада санаторий-профилакторийни ташкил этиш учун етарли имкониятлар бор. Энг асосийси, маблағ етарли. Аммо, ҳануз натижа йўқ.

Шу кунларда Қиличбой қишлоқ касалхонаси биноси қурилиши якунланаяпти. Мазкур шифохонанинг эски биноси эса ҳали ишга яроқли. Ана шу иморатга санаторий-профилакторийни жойлаштириш мумкин. Шифобахш сув ҳам худди шу ерда. Энг муҳими, иморат қуришдек оғир ва машаққатли ишга зарурат қолмайди.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақалпоғистондаги йирик Амударё районида меҳнаткашларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаяпти. Бу масалага район раҳбарлари етарли эътибор берадилар, деб умид қиламиз.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# Биздан сўрабсиз

???

*1. Тракторга тиркалган кавшарлаш аппаратида ишлаб, ҳам тракторни бошқарганлигим учун 15 фоиз қўшимча ҳақ оламан. Пайвандлашга 800 сўм. Жами маошим 920 сўм. Шу тўғрими?*

*2. Электр пайвандловчи касби заҳарли ҳисобланадими? Агар заҳарли бўлса, неча фоиз қўшимча ҳақ берилади?*

*3. Ҳозир ёшим 47 да. 12 йил узлуксиз пайвандчи бўлиб ишладим. Яна неча йил ишласам енгиллик берилади? Нафақага ва ҳоказоларга...*

*4. Жамоа хўжалигида бозор кунлари ҳам ишлаймиз, иш кўп, лекин иш ҳақи тўланмайди. Бозор кунлар учун ҳам иш ҳақи олиш мумкинми? Оиламда 10 кишимиз, бир ўзим ишлайман.*

*Бахриддин ҲАСАНОВ,*
*Самарқанд вилояти,*
*Пахтачи райони,*
*Калинин жамоаси.*

**Ушбу саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бўлим мудири Х. Пиримкулов жавоб беради.**

Сизнинг биринчи саволингиз яъни, асосий вазифадан озод этилмасдан иккинчи бир вазифани ҳам бажарганлик учун қўшимча иш ҳақи тўлаш масаласи меҳнат қонунлари ҳақидаги мажмуанинг 115-моддасида кўрсатилган бўлиб,унда юқорида қайд этилган ҳолат содир бўлса оширилган миқдорда ҳақ тўланади дейилган. Бу дегани — тўла хўжалик ҳисобида бўлмаган корхоналарда касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда, бир вақтда ўриндошлик касби ёки лавозими бўйича ишлаётган ишчиларга асосий касбининг маошидан 50 фоизгача, инженер-техник ходим ва хизматчиларга эса 30 фоизгача қўшимча ҳақ тўланади. Тўла хўжалик ҳисобидаги корхоналарга, шу жумладан,жамоа хўжаликларига ҳам миқдорнинг чегараси йўқ, яъни улар неча фоиз қўшимча иш ҳақи тўлашликни ўз имкониятларидан келиб чиқиб белгилайдилар.

Электр пайвандловчи касби имтиёзли шароитда нафақага чиқиш ҳуқуқини берувчи касбларнинг 2-рўйхатида қайд этилган. Бундай касбда ишлаётганлар учун маъмурият собиқ КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1986 йил 17 сентябрдаги қарорига биноан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда 12 фоизгача қўшимча ҳақ тўлаш ҳуқуқига эгадир.

Электр пайвандлаш ишида банд бўлган умумий меҳнат стажи 25 йиллик 55 ёшдаги эркаклар кексалик нафақасига чиқишлари мумкин.

Тракторчи машинистлар ҳам электр пайвандловчи каби юқоридаги имтиёзга эга эканликлари рўйхатда кўрсатилгандир.

Иш кунининг давомийлиги ва унинг тартиби, дам олиш кунини бериш, ҳақ тўлаш (шу жумладан, дам олиш кунлари бажарилган ишлар учун ҳам) тартиблари жамоа хўжалигининг ички қоида тартибларида кўрсатилган.

???

*Курсдошларим билан Тошкентдаги Алишер Навоий номли адабиёт музейига бордик. Менга машҳур рассом Чингиз Аҳмаровнинг Навоий лирикасига ишлаган суратлари маъқул бўлди. Чингиз Аҳмаров ҳақида, унинг бошқа асарлари ҳақида қисқача маълумот беришингизни сўрайман.*

*Т. Усмонов,*
*ТошДУ талабаси.*

Табаррук саксон ёшга бориб қолган халқ рассоми, бир қанча мукофотлар совриндори Чингиз Аҳмаров Тошкентда яшайдилар ва у киши ижод билан машғул. Гўзал, нафосатли асарларини республикамизнинг деярли барча маданият ва санъат масканларида учратишингиз мумкин. Жумладан, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри фойеси деворига ишланган расмлар, Санъатшунослик ва Шарқшунослик институти, Сочи, Ангрен, Қозон ва Самарқнд шаҳарларида яратилган тасвирлар, атоқли шоира Зулфия ҳамда машҳур санъаткорлар Мукаррама Турғунбоева, Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, раққоса Қизлархон Дўстмуҳамедоваларнинг сувратлари Ўзбекистон тасвирий санъатининг бебаҳо бойлигидир. Чингиз Аҳмаров яратган аёллар сиймоси уларнинг нозик кечинмаларга тўлиқ қалбини, оташин муҳаббати-ю олижаноб меҳрини, садоқатини ифода эта олгани билан ниҳоятда таъсирли ва жозибалидир. Айтишларича, Чингиз Аҳмаров бир умрлик ижоди давомида 1000 та аёлнинг сувратини чизган.

???

*Ёшим йигирма тўққизда, 1984 йилдан буён Совет Армиясининг II гуруҳ ногирониман. Иқтисодий қийинчилик туфайли савдо ташкилотларидан бирида, касбим бўйича бир йилдан бери ишлаяпман. Мен уйланиш ва баъзи бир харажатлар туфайли 20 минг сўм қарз (ҳар ойда ногиронлик нафақасидан тўлаб туриш шарти билан) олмоқчи эдим. Кимга ва қаерга мурожаат қилсам бўлади?*

*Х. РЎЗИЕВ,*
*Қарши шаҳри,*
*Пахтазор микрорайони,*
*65-уй.*

Сиз назарда тутган қарз пулини ўзингиз меҳнат қилаётган корхонадан (агар унинг имконияти бўлса) олишингиз мумкин. Бунинг учун маъмуриятга мурожаат этиш лозим. Маъмурият ўз навбатида амалдаги меҳнат қонунлари ҳақидаги мажмуанинг 6-моддасига биноан, касаба уюшмаси ташкилоти ва корхона кенгаши билан келишилган ҳолда қарор қабул қилади.

Ундан ташқари, 30 ёшгача бўлган эр-хотинга, агар камида 1 та боласи бўлса, 8 йилда тўлаш муддати билан 5000 сўм миқдорида қарз бериш мумкин. Бу суммадан, шу ёш оилада кейинги фарзанд туғилса 300 сўм, ундан кейинги яна бир фарзанд учун 200 сўм (жами 500 сўм) чегириб ташланади.

???

*Ҳурматли «Ишонч», менинг орзуим яхши артист бўлиб етишиш. Ниятимга етишиш учун нима қилишим керак?*

*Шавкат ҲАМДАМОВ,*
*Қашқадарё вилояти, Китоб районидаги*
*Алишер Навоий номли мактабнинг*
*8-синф ўқувчиси.*

Мактабингиздаги бадиий ҳаваскорлик тўгарагига қатнашиб, ўзингизда истеъдод борйўқлигини синаб кўришингиз мумкин. Артист бўлиш учун асосан туғма истеъдод, ширали овозга, ўта зийрак, таъсирчан ҳамда кузатувчанлик хислатларига эга бўлиш зарур. Ўзингизда шундай фазилатлар борлигини ҳис этсангиз, ўрта мактабни яхши баҳолар билан тамомлагач М. Уйғур номидаги Тошкент давлат театр санъати институтига киришингиз учун омад тилаймиз.

???

*1. Мусулмонларнинг ҳар йили туғилган кунларини нишонлаши тўғрими?*

*2. 63 ёшга тўлиш — Пайғамбар ёшини белгилашдан бошқа кунни белгилаш шариат қонун-қоидаларига мос келадими?*

*3. Мусулмонлар вафот этган, яъни ерга қўйилган кунни ёд қилиб, маросим ўтказиб юрадилар. Шу тўғрими?*

*4. Газета ва журналларда, радио-телевидениеда мусулмонларнинг туғилган кунлари билан қутлов уюштириш учун пул тўлаш керак. Шу тўғрими?*

*Абдулло БЕКЧОНОВ,*
*Қорақалпоғистонда*
*хизмат кўрсатган*
*журналист, Тўрткўл шаҳри.*

**Ушбу саволларга Мовароуннаҳр диний идорасининг ходимлари Машраб Ҳақберди ўғли ва Комилжон Собиржон ўғли жавоб берадилар.**

1. Туғилган кунларни нишонлаш шариатда йўқ, бундайин маросим бидъат ҳисобланади. Қадимдан ота-боболаримиз ҳам бундайин қоидани расм қилмаганлар.

2. 63 ёшга тўлганда Пайғамбар ёшига етдим, дея тантаналар ўтказиш асоссиз ва далилсиз келиб чиққан маросимдир. Шариат қонун-қоидаларида бундайин кўрсатма йўқ. Шу ёшга етган одам фақат муҳтожларгагина ўз имконияти даражасида хайр-садақа қилиши мумкин.

3. Ерга қўйилган кунни ёд қилиб маросим ўтказиш ҳақида ҳам шариатда айтилмаган. Марҳумни хотирлаб, фақат муҳтожларгагина камтарона хайр-садақа қилиш, оила даврасида кичик маросим ўтказиш мумкин.

4. Туғилган кунларни нишонлаш шариатда йўқ экан, демак масаланинг бу томони ҳам ҳар кимнинг ўз имон-эътиқодига боғлиқ.

**Саҳифани маънавият, табобат ва табиат бўлими тайёрлаган.**

# Хандалар

## ПОЛВОН ХОЛАЛАР

Бир киши дўстига мақтанди:
— Менинг хотиним бир йўла бешта машинани кўтариб юради.
— Ё тавба, ростданми?— ҳайратланди дўсти.
— Ҳа, бешта машинани!— бармоқларини букиб санади, у — 2 та «Волга», 2 та «Тойота», 1 та «Мерседес».
— Қойил! Роса полвон эканлар, циркда ишлайдиларми?
— Йўқ. ЗАГС идорасида ишлайдилар.
— ЗАГС идорасида... ҳеч ақлимга сиғдиролмаяпман, қандай қилиб?..
— Оддийгина, икки қўлларида иккита билагузук. Пулига «Волга» беради. Қулоғидаги иккита зиракка иккита «Тойотта» келади. Бўйнидаги дурларга «Мерседес».
— Эй, акажонимей, шунақа демайсизми, унда менинг хотиним ТУ-104 самолётини тилла қўнғиздай оёғидан ип бойлаб учириб юрар экан-да.

## АКСА УРГАНДА

Иккита лофчи бир-бирига мақтаниб қопти.
— Мени дадам акса урганда етти маҳалла уйғониб, оёққа турар экан,— дебди биринчиси.
— Э, шу ҳам акса уриш бўптими,— дебди иккинчиси,— катта бувамнинг кичкина невараси Тошкандда акса урганда Самарқанддагилар чўчиб тушган экан.

## ИССИҚ ЧИҚҚАНДА

Иккита лофчи бир-бирига лоф уриб қопти.
— Эй, нима дейсан, яқинда мени шу даражада иссиғим чиқдики, ўғлим пешонамдан ушлаб, қўлини куйдириб олиб, ўн кун мактабга боролмай қолди.
— Эй, шу ҳам иссиқ бўптими. Мана мени иссиғи чиққан деса бўлади, тумов бўлганимда ўн кун пешонамга това қўйиб, тухум пишириб ейишди.

## КЎЗОЙНАК

Бир лофчи иккинчи лофчига лоф уриб қолибди.
— Бир кўзойнак олдим дегин, чумолини эчки, мушукни йўлбарс қилиб кўрсатади.
— Эй, шу ҳам кўзойнак бўлибдими? Мен кўзойнак олдим дегин, уни кўзойнак деса бўлади. Тошкентдаги 19 қаватлик бинонинг 18-қаватидан туриб қарасанг Қора денгиз бўйларидаги жононларни кўрасан!

## ЁЗУВЧИНИНГ ЎЛГАН ЙИЛИ

Бир студент адабиётдан имтиҳон топшираётган эди. Ёзувчининг туғилган кунини билди-ю ўлган кунини эсдан чиқариб қўйди.
— Қачон ўлганини айтмайсизми?— деб сўради домла.
— Кечирасиз, домла шундай ёзувчини ўлди, дейишга тилим бормаяпти. У тарих,— деди студент.

* * *

Мулла Табассумдан:
— Пулинг кўп бўлганда нима овқат ейсан?— деб сўрашибди.
— Палов,— деб жавоб берибди.
— Пулинг йўғида нима овқат ейсан?
— Хотиним билан гап ейман,— дебди Мулла Табассум.

Ҳ. МУХАММАДАЛИЕВ.



● ЙИГИРМА БИРИНЧИ АСР ТАКСИСИ.

М. БОЛТАБОЕВ олган сурат.

# ҚЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАЙМИЗ, АЗИЗЛАР!

## ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ИШОНЧ» (нашр номи) 64560 (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64560 (нашр кўрсаткичи)

«ИШОНЧ» (нашр номи)

обуна баҳоси обуна сони

янги манзилга юбориш баҳоси сўм

19 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

## КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР ОБУНАСИ УЧУН

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ИШОНЧ» (нашр номи) 64561 (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64561 (нашр кўрсаткичи)

«ИШОНЧ» (нашр номи)

обуна баҳоси обуна сони

янги манзилга юбориш баҳоси сўм

19 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

# Обуна-93



# «ИШОНЧ»ГА ҲАММАМИЗ ЁЗИЛДИК!

БИЗ МАКТАБГА келиб, хушхабар устидан чиқдик. Бутун педагоглар жамоаси «Ишонч» газетасига юз фоиз обуна бўлибди. Бу ташаббусда мактаб директори Баҳодир Розиқов билан касаба уюшма қўмитаси раиси Рисбой Қурбоновнинг ҳиссаси катта, албатта. Шундай қилиб, Райимжон Муҳамедов номли 21-мактаб жамоасининг ҳар бир оиласи 1993 йилда ҳам «Ишонч»ни олиб ўқийдиган бўлишди. 10-синфга кирганимизда меҳнат ўқитувчиси Турсуной Маматованинг қизлар ўртасида олиб бораётган тикувчилик машғулоти якунланиб қолган экан. Қизлар алланарсани қизғин муҳокама қилишар эди. Яқинлашиб қарасак, қўлларида «Ишонч»нинг янги сони. Бизнинг шу газетадан келганимизни эшитиб, саволга тутишди. **Газетамизнинг бир йиллик обуна баҳоси 208 сўм 80 тийин, шунча пулни тўлаш оғирлик қилмайдими, деган саволимизга эса шундай жавоб эшитдик:**

**— Ҳаммамиз дарсдан кейин пахта теряпмиз. Юз кило терсак, уч юз сўм. Ана шу ҳисобдан ёзилдик.**

Дарвоқе, мактабга Райимжон Муҳамедов номи берилибди. У киши илгари «Қизил деҳқон» деб аталган жамоа хўжалиги (ҳозир «Ленинград» давлат хўжалиги)га Улуғ Ватан урушидан олдин ва ундан кейин ҳам узлуксиз раислик қилган. Мирзачўлда биринчи бўлиб электр станция қурган Райимжон Муҳамедов фақат тадбиркор, ишчангина эмас, ҳалол, тўғри сўз, одамларга меҳрибон раҳбар ҳам бўлган. Қишлоқларда очарчиликдан одамларнинг силласи қуриган уруш йиллари «Қизил деҳқон»ликларни оғир йиллардан эсон-омон олиб чиққан. Бу одамнинг номи қишлоқдаги каттаю кичикка таниш.

Мактабда «Қизил деҳқон» жамоа хўжалигининг тарихини ҳикоя қилувчи музей ҳам ташкил қилинган. Ундаги суратларни шу мактабнинг муаллими Шермат Орзуметов чизган. Анча йилдан бери нафақадаги бу муаллим Улуғ Ватан уруши фахрийсидир.



Алишер Навоий, Бобур, Амир Темур сингари улуғ боболаримизнинг сиймолари унинг мўйқалами орқали акс эттирилган. Ҳозир мактабда шунга ўхшаш уч юзга яқин сурат бор. Иқтидорли рассом уларнинг ҳаммасини мактабга совға қилган. Биз Шермат Орзуметовни болалар орасида учратдик. У ўзи чизган расмлар ҳақида бошланғич синф ўқувчиларига ҳикоя қилиб ўтирар эди.

Мактаб ҳовлисида ҳам, синфлар, заллар, фойеларда ҳам гул, гул... Ибратли, ҳикматли сўзлар ёзилган панолар, шиорлар. Шунинг учун ҳам бу маскан фақат Мирзаобод районидагина эмас, бутун Сирдарё вилоятида машҳур. «Дилрабо» дастаси эса хорижий мамлакатларга сафарга чиқиб, мактабнинг шуҳратини ёймоқда. «Қизил деҳқон»лик чевар теримчи Файзинисо Турдиева Мирзачўлдан биринчи бўлиб Москвага, халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига борган ва катта меҳнатлари эвазига кўплаб мукофотлар олган. Шубҳа йўқ-ки, 21-мактабнинг бугунги ўқувчилари орасидан ҳам ҳали кўплаб Райимжон Муҳамедовлар етишиб чиқади.

**С. СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ОБУНА БЎЛДИК, АММО...

Районимизда ўттиздан зиёд давлат ва жамоа хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ корхона ва ташкилотлар бор. Уларнинг барчасида «Ишонч» газетасига обуна тўплаш уюшқоқлик билан ўтди. Фақат жамоаларнинг аъзолари 500 нусхадан зиёд «Ишонч» газетасига обуна бўлдилар.

Лекин обуначиларни ташвишлантираётган бир муаммони айтиб ўтмасдан бўлмайди. Газета-журналларни обуначиларга ўз вақтида етказиб бериш, умуман алоқа хизматидаги нохушликлар билан кўпчилик таниш бўлса керак. Кейинги вақтларда алоқа хизматида тезкорлик йўқолди, бунинг устига газета-журналлар фуқароларгагина эмас, ҳатто идора-ташкилотларга ҳам ойлаб келтирилмаяпти, ёки бир ҳафта икки ҳафталигини йиғиб олиб келишади.

Пировардида мен матбуот ходимларига битта истак билдирмоқчиман. Сиз тайёрлаб чиқараётган газета-журналлар обуначиларга қандай етказиб беriляпти, бу ишда қандай камчилик ва муаммолар бор? Шу масалалар билан янада чуқурроқ шуғулланиб, зарур бўлса бу борада қаттиқ танқидий мақолалар бериб турсангизлар обуначиларнинг дардларини енгиллаштирган бўлардингизлар.

**Самандар АБДУЛЛАЕВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Боғот райони қўмитаси раиси.**

## «ИШОНЧ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

***ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН** йиллик обуна нархи 208 сўм 80 тийин. (нашр кўрсаткичи — 64560)*

***КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР УЧУН ГАЗЕТАНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ 312 СЎМДИР.** (нашр кўрсаткичи — 64561)*

### ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

### ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг мухри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

### АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.»—«жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

### ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

### ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг мухри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

### АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.»—«жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

